NAVOIY VILOYATI XATIRCHI TUMANI HOKIMI
Q A R O R I

Xatirchi tumani, Mustaqillik ko‘chasi 34 uy, e-mail: xatirchi@nv.uz

2022 - yil 7 - dekabr 279-5-77-Q/22 Xatirchi tuman hokimligi

Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида уй-жой фондини давлат йўли билан ҳисобга олишнинг ягона тизими тўғрисида”ги Низомнинг 10,12-бандлари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6,25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат кадастрлаи палатаси туман филиали раҳбари (А.Шодиев) ушбу қарор билан тасдиқланган “Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш тартиби” асосида иш юритилишини таъминласин.

3. Ушбу қарор “Хатирчи ҳаёти” газетасида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

4. Мазкур қарор ижросининг назорати туман ҳокимининг ўринбосари Қ.Фармонов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **С. Низамов**

Xatirchi tuman hokimining
2022 yil 7 dekabrdagi
279-5-77-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш

Т А Р Т И Б И

1. Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилди уй ёки турар жой фойдаланишга қабул қилиниб олинаётганда ёхуд турар жой уй-жой фондига киритилаётганда тузилади.

2. Кейинги техник ҳисобга олиш уйлар ва турар жойларни вақти-вақти билан режали хатлов ўтказиш йўли билан беш йилда камида бир маротаба, шунингдек режадан ташқари текширишлар жараёнида ҳисобга олиш кўрсаткичлари ўзгаришлари аниқланишига қараб амалга оширилади.

3. Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар мустақил ҳужжатларни ташкил этади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида уй-жой фондини давлат йўли билан ҳисобга олишнинг ягона тизими тўғрисида”ги низомга асосан уй-жой фонди инсон яшаши учун яроқли бўлган турар жойдан, шу жумладан, уйлар, квартиралар, хизмат турар жойлари, махсус уйлардан (ётоқхоналар, вақтинчалик уй-жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар, интернат-уйлари, шунингдек болалар уйлари ва бошқа махсус мақсадли уйлар) иборат бўлган фонд.

5. Уй-жой фондини ҳисобга олиш техник ҳужжатлар йиғма жилди, рўйхатдан ўтказиш дафтарлари, инвентар ҳужжатлар йиғма жилдида шаклланган рўйхатдан ўтказилган ҳужжатларнинг нусхалари, бошқа инвентаризация ҳужжатлари Давлат Кадастрлар палатаси Навоий вилоят бошқармаси Хатирчи туман филиали архивида сақланади.

6. Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар, нусхалар бериш учун юридик ва жисмоний шахслар ёки уларнинг ишончли вакиллари Давлат Кадастрлар палатаси Навоий вилоят бошқармаси Хатирчи туман филиалига ариза билан мурожаат қилади.

7. Аризалар Давлат Кадастрлар палатаси Навоий вилоят бошқармаси

Хатирчи туман филиали томонидан қабул қилиб олинади ва шу куннинг ўзида аризалар реестрига қайд қилинади.

8. Юридик ва жисмоний шахслар ёки уларнинг ишончли вакиллари уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш учун Давлат Кадастрлар палатаси Навоий вилоят бошқармаси Хатирчи туман филиалига телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат кўринишида ариза беришлари мумкин.

9. Ушбу нусхалардан иборат кадастр йиғма жилдининг ҳар бир варағига Давлат Кадастрлар палатаси Навоий вилоят бошқармаси Хатирчи туман филиали рахбари томонидан аслига тўғри деган ёзув киритилади ва имзоланади ҳамда ариза келиб тушган кундан бошлаб икки иш кун ичида ҳуқуқ эгасига топширилади.